

# Бюджет буюртмачиси учун қўлланма

Бюджет Буюртмачиси [dxarid.uzex.uz](http://dxarid.uzex.uz) да қуйидагиларни жойлаштиради:

1

Бўлажак харидлар тўғрисидаги режа-жадвал (чораклик ёки йиллик)

2

Давлат хариди тўғрисидаги эълон

3

Давлат хариди натижаси ҳақидаги эълон


Давлат харидларида қатнашиш электрон рақамли имзо (ЭРИ) ишлатилиши орқалигина амалга оширилади

# 1

## Режа-жадвал жойлаштириш

Қуйидагиларни тўлдириш керак:

- Мавсум (йил ёки чорак);
- Товар категорияси;
- Буюрталар номи;
- Сони;
- Ўлчов бирлиги;
- Савдо ўтказиш оyi;
- Товар ҳақида маълумот;
- Молиялаштириш манбаини танлаш.




**Муҳим!**

1. Лот модерациядан ўтади. Шундан кейингина давлат хариди тўҳрисидаги эълон жойлаштириш мумкин.
2. Савдо ўтказиш ойини танлаётганда савдо бошланган кундаги ой танланади.

# 2

## Давлат хариди тўғрисидаги эълон

Буюртмачи



Харидларни амалга ошириш турлари:

- ✓ электрон дўкон;
- ✓ бошланғич нархни пасайтириш бўйича ;
- ✓ танлов;
- ✓ тендер;
- ✓ ягона етказиб берувчидан сотиб олинган давлат хариди.

# Бошланғич нархни пасайтириш учун аукцион

## Қуйидагилар тўлдирилади:

- Режа-жадвални танлаш;
- Товар категорияси;
- Маҳсулот номи;
- Товар сони;
- Ўлчов бирлиги;
- Бошланғич нарх;
- Ҳаражатлар моддасини танлаш;
- Батафсил маълумотлар;
- Алоҳида шартларни танлаш;
- Етказиб бериш муддати;
- Ҳазначилик рўйхатидаги ҳисоб рақамини танлаш;
- Электрон почта;
- Телефон/факс рақами;
- Етказиб бериш манзили;
- Файл ёки расм бириктириш.

AUKTSION

№ 2002194 - 06/05/2018 00:00:00 - Бумара А4

\* Товарлар категорияси:  
Бумара

BUYURTMALAR NOMI

Маҳсулот бо'йича қидириш

1 - Бумара А4

* Lotlar soni: 10	* O'lchov birligi: шт.
* Boshlang'ich narx: 2400	* Boshlang'ich qiymat: 24000.00
* Statya rasxodov: Нефинансовым государственным орган...	

Бюджет харидлари битта шарнома бўйича нархи **2500 ЭКОИХ** дан ошиб кетмаслиги керак

**1 лотда 1 та товар жойлаштириш мумкин (давлат харидлари объекти сифатида иш ва хизматлар бўлиши мумкин эмас)**

# Аукцион механизми

1. Буюртмачи аукцион ўтказилиши ҳақидаги эълонни керакли режа-жадвални танлаш орқали жойлаштиради.
2. Лот модерацияга юборилади.
3. Лот қайтарилса, Буюртмачи шахсий кабинетининг «МЕНИНГ ЭЪЛОНЛАРИМ ВА ЛОТЛАРИМ» бўлимида қайтарилиш сабаби кўрсатилган ҳолда «лот қайтарилган» статуси пайдо бўлади. Лот хатолари тўғриланган ҳолатда қайтадан жойлаштирилиши мумкин.
4. Лот модерациядан муваффақиятли ўтса, система томонидан керакли тўловлар ҳақидаги маълумотлар пул маблағлари мавжудлиги ҳақидаги тасдиқ учун Ҳазначиликка юборилади.
5. Лот савдоларда 10 кун ичида фаол, ушбу муддат давомида иштирокчилар бошланғич нархни қадам бақадам пасайтириш тизими орқали ўзларининг нарх таклифларини берадилар.
6. Савдо қадами – бошланғич нархнинг 2% ҳисобида.
7. Тизим энг паст нарх таклиф қилган ижрочи-ғолибни автоматик равишда аниқлайди.
8. Тизим битимни тасдиқлайди ва шартномани шакллантиради. Шартнома «МЕНИНГ БУЮРТМАЛАРИМ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР РЎЙХАТИ» бўлимида кўринади.
9. Аукционда битта иштирокчи қатнашса ёки ҳеч ким қатнашмаса, аукцион амалга ошмаган ҳисобланади. Ушбу ҳолатда буюртмачи 3 кун давомида аукционни 5 кунга чўзади.


## Тўловлар:

- ❑ Комиссион йиғимлар – шартнома суммасидан 0,15%
- ❑ Закалат – буюртма суммасининг 3%

## Тўловлар учун ҳисоб рақамлар:

- |  |                             |
|--|-----------------------------|
| ❑ <u>Комиссион йиғимлар учун махсус ҳ/р:</u>       | 700110860262877950600262001 |
| ❑ <u>Закалат учун махсус ҳ/р:</u>                  | 700110860262877950600262002 |
| ❑ <u>Шартнома бўйича тўловлар учун махсус ҳ/р:</u> | 700110860262877950600262003 |

# Аукцион амалга ошиш схемаси



**Муҳим!!!**

Буюртмачи ва иштирокчи ўртасида ЭРИ орқали тузилган шартнома кучга кирган ҳисобланади.

Аукцион тугаш муддати оператор иш куни ва иш вақтига тўғри келади.

**Ижрочи-ғолиб:**

Тизим автомат равишда аниқлайди

# Ғолиб аниқлангандан сўнг тўловлар механизми

## Шартнома шаклангандан сўнг

- Бюджет Буюртмачилари 10 кун давомида пул маблағларини Операторнинг Ғазначилиқдаги ҳисобига ўтказадилар

## Тўловдан сўнг

- Оператор Ижрочига тўлов 100% амалга оширилгани ҳақида маълумот юборади
- Ижрочи шартномада кўрсатилган муддатда маҳсулот етказиб беради

## Маҳсулот қабул қилгандан сўнг

- Буюртмачи 3 кун давомида УзАСБО тизими орқали маҳсулот тўлиқ қабул қилингани ҳақида хабарни юборади
- Шартнома суммаси Ижрочига ўтказилади




# 3

## Давлат хариди натижаси ҳақидаги эълон

Давлат хариди натижалари Буюртмачи томонидан “Натижаларни қўшиш” бўлим орқали қўшилади.

Харид турини танлаш:

- ❖ конкурс;
- ❖ тендер;
- ❖ бошқа харидлар.



Биржадан ташқарида амалга оширилган шартномалар (конкурс, тендер, бошқа харидлар) натижалари шартнома тузилган кундан **3 кундан** ошмасдан жойлаштирилиши керак.

Ушбу бўлимдаги барча майдонлар тўлдирилиши шарт.